Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 5 сентябрь 1970 йил, шанба ◆ № 207 (14.673). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида пахта йиғим-терими кун сайин, соат сайин кучайтирилмоқда. Теримчилар мусобақасида Муҳлиса Зоирова ва Мукаррама Рустамова ўртоқлар ғолиб чиқишяпти. Уларнинг ҳар бири кунда 110 килограммдан ошириб пахта термоқда. Суратда: чевар теримчилардан М. Зоирова ва М. Рустамова.

Г. Ёқубов фотоси.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС ВАЗИФАМИЗ

КПСС XXIV съезди шарафига

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Фарғона қурувчилари КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, Ватанга янги совғалар тайёрламоқдалар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8-трест қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарининг коллективлари оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 1970 йилнинг 20 декабригача, беш йиллик планни эса 25 ноябргача бажаришга қарор қилинди. Сунъий тола заводида топшириқдагидан ташқари янги қувватлар ишга туширилади.

Меҳнат унумдорлигини 1970 йил учун зиммага олинган мажбуриятдагидан 4 процент ошириш мўлжалланади. Йиллик шартли тежам самараси 240 минг сўм — илгари қабул қилинган мажбуриятдагидан 90 минг сўм ошадиган 135 та рационализаторлик таклифлари жорий қилинади. Трест коллективи хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, иш сифатини ошириш, янги техникани жорий қилиш, материалларни тежаш ҳисобига, қурилиш таннархини пландагидан 0,5 процент ёки смета нархидагидан 13 процент арзонлаштириш мажбуриятини олди. (ЎзТАГ).

СУРХОНДАРЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

ШЕРОБОД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленин номли қўриқ совхозининг учинчи бўлимидаги Мустафо Кенжаев бошлиқ бригада аъзолари Сурхондарё областида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик планини ошириб адо этдилар. 56 гектар майдонининг ҳар гектаридан 14 центнердан ошириб пахта етказиб берилди. Улар етти «зангори кема»ни ишга тушириб бригаданинг йиллик планини уч иш кунида адо этдилар. Етти машина билан 70 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олинди. Бригаданинг 10 тонна пахтаси эса қўлда терилди.

А. ХАЛИЛОВ.

ҚАШҚАДАРЁ ДАЛАЛАРИДА «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР

Қашқадарёда биринчи бўлиб «Косон» совхозининг механизаторлари машинада пахта теришни бошлаб юбордилар. Орзиқул Шарипов раҳбарлик қилаётган учинчи бўлимнинг оппоқ далаларида олтита «зангори кема» суза бошлади. Машина теримига ажратилган далаларга қолган 54 та пахта териш машинаси ҳам келтирилди. Улар ҳосилнинг учдан икки қисмини териб беради.

Косон районидаги Ленин номли, «Москва» совхозларининг ва область хўжаликларидаги бошқа совхозларнинг механизаторлари ҳам пахтани машинада тера бошладилар. Бу йил қашқадарёлик механизаторлар 52 минг гектар майдондаги пахтани машинада териб олиб, бункерлардан юз минг тонна «оқ олтин» тўкишга сўз бердилар. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

МУНОСИБ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЙМИЗ

◆ Давлатга 5200 тонна пахта сотамиз. ◆ Съезд шарафига пахтанинг ялпи ҳосилини 1000 тонна кўпайтирамиз. ◆ Ҳосилнинг 75 проценти машиналарда териб олинади. ◆ Йиғим-терим тез ва соз ўтказилади. ◆ Бир машинада ўртача 80 тоннадан пахта терамиз. ◆ Кўпминг килограммчи теримчилар сони яна ошади. ◆ Пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Колхозимиз аъзоларининг теримолди йиғилишида ана шундай мажбуриятлар қабул қилинди. Сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси партиямизнинг XXIV съезди чақирилиши ҳақидаги хушхабардан ғоят мамнун бўлганлигини айтди, партия анжуманига муносиб совға тайёрлаш ҳоҳишини билдирди. Ҳар бир касб эгаси ўз зиммасига конкрет мажбурият олди, уни бажариш учун бутун куч-ғайратини сарф этажагини маълум қилди. Шуниси қувончлики, пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, сабзавоткорлар — хуллас, ҳамма касб эгалари съезд шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилди. Шу йиғилишда юбилей йилида она-Ватанга 5200 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилинди. Бу давлат билан тузилган шартномадагига нисбатан 1000 тонна кўп.

Яна бир қатор муҳим тадбирлар белгиланди. Жумладан, терилган пахтанинг асосий қисмини биринчи сортга сотамиз, уни тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказиб берамиз. Тележкаларнинг қатновини терим машиналарининг ишига мослаштирамиз. Пахтанинг хирмон жойлар, асфальтланган майдончаларда тўпланиб қолишига йўл қўймаймиз.

Бу йил ҳосил эртаги бўлди, кўсаклар бултургидан деярли 20 кун олдин очилди. Деҳқонларимиз режани шунга қараб олдилар. Пахта териш машиналари, кўсак чувийдиган, терадиган агрегатлар бараварақт ва сифатли ремонт қилинди. Ҳар бир машинага иккитадан механизатор бириктилди. Бу йил далаларимизда 41 терим машинаси ишлайди, уни 82 механик-ҳайдовчи бошқаради. 10 та кўрак чувийдиган, 12 та кўсак терадиган, иккита подборщик агрегатлар ҳам ишга шайлаб қўйилди.

Бултур юк машинаси ва тележкадан қийналдик, умуман транспорт воситалари етишмай, терилган пахтанинг бир қисми хирмон жойларда чўкиб қолди, бунинг устига этаклардан, бункерлардан пахта тўкилиб, бир иш икки бўлди, ортиқча сарф-ҳаражат кўпайди. Бу йил ана шу камчиликнинг такрорланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди. 17 та юк машинасини ремонтдан чиқариб пахта ташишга ажратиб қўйдик. Шу каби 85 тележка, 25 транспорт трактори пахтакорлар ихтиёрига берилди. Лўнда қилиб айтганда, юбилей йили пахта йиғим-терими даврида транспортдан камчилик жойимиз йўқ, ҳар куни беш процентгача пахтани бемалол тайёрлов пунктларига етказиб бера оламиз.

Масаланинг яна бир нозик томони бор. Одатда, кўп ва тоза пахта терган механик-ҳайдовчилар билан теримчилар мукофотлаб борилади. Лекин оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилаётган транспорт ходимларининг меҳнатига яхши баҳо берилмайди. Бу йил бошқача йўл тутадиган бўлдик. Белгиланган пахтани ташиб берган шофёрлар, тележкачилар колхоз Устави, ишлаб чиқариш планида белгиланган иш ҳақини олади. Пахта ташиш топшириғини 125 процентга етказган кишиларга пул мукофоти берилади. Топшириқни 150 процентдан ошириб адо этган, ёнилғини тежаб қолган, машиналарнинг «умри»ни узайтирган кишиларни велосипед ва мотоцикль билан мукофотлаш ниятимиз бор.

Пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун бошқа тараддудларни ҳам кўрдик. Хирмон жойлар, пахта қуритиш майдончалари тайёр. Машина айланадиган жойлар ҳозирлаганмиз. Карталарнинг бошидаги ғўза туплари ўриб олиниб, махсус жойларда сақланяпти, кўсаги очилиши билан пахтаси териб олинади. 30 та осма тарози, олти юзта этак бор.

Теримчилар билан яккама-якка суҳбатлашиб чиқилди, мавсумда ким қанча пахта териб беришини аниқлаб олдик. Теримда 600 колхозчи қатнашади. Шундан 100 киши кўпминг килограммчидир. Ҳосиятхон Рустамова, Жамила Муродова, Қудратой Султонова, Ҳосиятхон Раҳимова каби теримчиларимиз соатли график асосида ишлаб, мавсум охиригача 7-10 тоннадан пахта териб берадилар. Теримчиларимизнинг ҳаммаси ана шундай мажбурият қабул қилди.

Юқорида айтилганидек, ҳосилнинг катта қисми машиналарда терилади. Машиналаримиз асосан икки қаторли. Механик-ҳайдовчиларимиз бутун маҳоратини ишга солиб, мавсумда қуйидаги миқдорда пахта териш мажбуриятини олдилар:

ШОМУРОД БАТРАКОВ 120 ТОННА.
КОЗИМ АБДУРАҲМОНОВ 120 ТОННА.
ҲАЛИЛ ШЕРБЕКОВ 110 ТОННА.
САЙДОЛИМ ИСМОИЛОВ 110 ТОННА.
ЖАВКАН ЖАЛКАШЕВ 100 ТОННА.
ТОЖИБОЙ НОРБОЕВ 100 ТОННА.
АБДУРАҲМОН БОЙМАТОВ 100 ТОННА.
ИСЛОМ ҚУЛМАТОВ 100 ТОННА.
СУННАТ ХИДИРОВ 95 ТОННА.
АСҚАР ХОЛДОРОВ 95 ТОННА.

Бошқа механик-ҳайдовчиларимиз ҳам оширилган мажбуриятлар олдилар. Мавсумда 80 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механизатор бўлмайди.

Машина теримига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Серҳосил пайкаллар шу мақсад учун ажратилди. Ғўзаларнинг бўйи бир метрдан ошмайди. Лекин ҳар туп ғўзада 15-20 та бўлиқ кўсак бор. Уларнинг икки-учтаси очилди. Шуни ҳисобга олиб, яқин кунда дефолиацияни бошлашга ва узоғи билан 15 сентябрда тамомлаб, 16 сентябрдан машиналарнинг ишга туширилиши ҳақида байроқча кўтаришга аҳд қилдик. Ҳамма нарсани шунга мослаб тайёрлаб қўйдик. Шундан кейинги режаларимиз қуйидагича:

11 сентябрдан 15 сентябргача бўлган даврда ҳар куни қўл кучи билан 20 тоннадан пахта терилади, беш кунликда давлатга 100 тонна пахта сотилади. 26 сентябргача бўлган муддатда суръат кун сайин кўтарилиб боради, шу куни 55 тонна дурдона жамланиб, беш кунлик давомида Ватан ҳазинасига 275 тонна «оқ олтин» жўнатилади. Ёки бошқачасига айтганда, сентябрь ойи графиги тўла бажарилади.

Энди машина теримини олиб кўрайлик. Бу муҳим ишни 16 сентябрь куни бошлаймиз. Шу куни 10 та машина ишлайди. 20 сентябрга келиб машиналарда терилган 120 тонна пахта пунктга жўнатилади. 21 — 25 сентябрь кунлари терим машиналари сони ўттизтага етказилади. Беш кунликда 450 тонна пахта йиғиб олинади, «зангори кема»ларнинг бир кунлик умумий иш унуми 90 тоннани ташкил этади. Сентябрь ойининг охирги беш кунлиги теримда «пўлат от»лар тўла ҳукмронликни эгаллаган давр бўлади. Унумдор далаларимизда 41 та кема жавлон уради. Ҳар куни механизмлар воситасида 135 тонна «оқ олтин» саранжомланади. Ёки беш кунлик давомида машиналарда терилган пахта 675 тоннани ташкил қилади.

Биз сентябрь ойида она-Ватан ҳазинасига камида 2000 тонна пахта тўкишга қарор қилдик, қўл кучи ва машиналарни тўла сафарбар этиб, кўзлаган чўққимизга чиқамиз.

Октябрь — йиғим-теримнинг тақдирини ҳал қилувчи ой. Бу ой учун ҳам конкрет тадбирлар белгиланган график тузиб, ҳамма бригадаларга етказдик, одамларни тўла хабардор қилдик. Шу ойнинг айрим беш кунликларида қўл кучи билан 500 тонна, машиналарда 1200 тоннагача пахта терилишини таъминлаймиз. 22 октябрь куни давлатга 5200 тонна пахта сотиш ҳақидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариб, ғалаба рапорти берамиз. Колхозимиз меҳнат аҳли қўлга киритган бу улкан ғалабани КПСС XXIV съездига тайёрлаган муносиб совға деб биламиз.

Пахта йиғим-терими даврида одамларга бўлган ғамхўрликни кучайтирамиз. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари — хуллас, терим билан банд бўлган кишиларнинг ҳаммаси иссиқ овқат, чой, мева билан таъминланади. Аҳолига медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш дала шийпонларига кўчирилади. Бу жойда суҳбатлар, лекциялар ўтказилади, мусобақанинг якуни, ғолибларнинг номи эълон қилиб борилади. Сиёсий ахборотчилар меҳнаткашларни янгиликлардан хабардор қилиб туради. Болали оналар учун қулай шароит яратиб берилади.

Беш йилликнинг сўнгги босқичида она-Ватанга 5200 тонна пахта етказиб бериш ҳақидаги мажбуриятимизни ҳар қандай шароитда ҳам шараф билан бажарамиз.

Ж. МАМАНОВ,
Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

Ҳ. НИШОНБОЕВ,
партия комитети секретари,

Т. МАМАНОВ,
пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,

С. ХУДОЙҚУЛОВ,
механик-ҳайдовчи,

Қ. ДАВРОНОВА,
теримчи.

ЧИРЧИҚ БИНОКОРЛАРИНИНГ СЎЗИ

КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармасининг коллективи беш йиллик планини барвақт, август ойида бажариб бўлди. Пландагидан ташқари 272 минг сўмлик иш бажарилди.

Шу йиллар мобайнида коллектив Чирчиқ электр химия комбинатида, қийин эрийдиган ва иссиқликка бардош берадиган металлар комбинатида, Оҳангарон цемент заводида, пластмасса комбинатида қувватларни ишга туширди. Чирчиқ монтажчилари Олмалиқ аммофос заводида меҳнат қилдилар, Олмалиқ руҳ заводи ва Самарқанд чинни заводларини монтаж қилишда қатнашмоқдалар.

Монтажчилар юбилей йилининг ишга тушириладиган объектларида қизғин меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар. Улар йиллик планни 1970 йилнинг 5 декабригача тамомлаш, Чирчиқ электр химия комбинатида, қийин эрийдиган ва иссиқликка бардош берадиган металлар комбинатида янги қувватларни тўртинчи кварталдан ишга тушириш, Олмалиқдаги руҳ заводида компрессорхона ва цехни сентябрь ойида ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

4.100.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлаш ва дефолиациянинг бориши тўғрисида 1970 йил 4 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда тайёрланган пахта	Мавсум бошидан буён тайёрланган пахта	Шу жумладан машинада терилган пахта	Дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида)	Планнинг бажарилиш проценти
Бухоро	1,68	10,26	0,40	22822	20,75
Қашқадарё	1,25	3,48	0,01	8924	17,16
Сурхондарё	0,78	1,97	0,03	6683	7,43
Хоразм	0,55	0,55	—	699	1,40
Фарғона	0,29	0,49	—	—	—
ҚҚ АССР	0,22	0,40	—	—	—
Андижон	0,21	0,30	—	—	—
Наманган	0,20	0,24	—	248	0,38
Сирдарё	0,03	0,07	—	4298	2,01
Тошкент	—	—	—	13025	9,30
Самарқанд	—	—	—	83	0,08
Республика бўйича:	0,43	1,48	0,03	56782	4,97
Шу жумладан ингичка толали пахта					
Сурхондарё	1,28	3,78			
Бухоро	0,27	1,27			
Қашқадарё	0,62	0,96			
Республика бўйича:	0,94	2,68			

ТОШКЕНТ ЧИРОЙИ

Одам борки, ном қолдиришга интилади. Шу жиҳатдан бинокорлик жуда улуғ касб. Қилган меҳнатинг йўқолмайди, асрлар бўйи туради. Ўзимиздан қиёс. Ҳар куни ишга келаётганимизда қўлимиз теккан иморатларга завқланиб қараймиз. Унга меҳнатимиз сингганидан қувонамиз.

Тошкентда бригадамизнинг меҳнати синган иморатлар жуда кўп. Тошкент Политехника институтининг механика факультети, студентлар шаҳарчасидаги ўн минг номерли автомат телефон станцияси, 140 ўринли болалар боғчаси, геологлар учун икки квартирали 11 та уй, Кафанова кўчасида 70 квартирали уй-жой биноси... Санайман десангиз биз пардоз берган бинолар топилаверади.

Бригадамизда яхши анъана бор. Қутлуғ кунга қуруқ қўл билан бормаймиз. Ленин юбилейи олдидан Политехника институтининг механика факультети биносини муддатидан олдин пардозлаб битирган эдик. Партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми очиладиган кун олдидан Тошкент Давлат университетининг 850 ўринли ётоқхонасини қўлдан чиқардик. Шу кунларда яна катта ният билан ишлаяпмиз. Бошқармамизнинг бир қатор бригадалари билан бирга Тошкент Давлат университетининг бош корпусини сентябрь ойида фойдаланишга топшириш ҳаракатидамиз. Ишимизнинг кетиши ёмон эмас.

Астойдил берилиб ишласанг ишнинг таноби қочади. Аъзоларимизнинг ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб ишлайди. Юбилей йилида бирорта ой йўқки, иш топшириғини 150 процентдан кам бажарган бўлсак. Май ойи плани 170, июнь ойи 220, июль ойи эса 225 процент бажарилди.

Бошқармамизда бошқа сувоқчи бригадалар кўп. Лекин уларда илғорлар билан бирга зиммасидаги топшириқни аранг бажарадиганлар ҳам топилади. Бизда ундай эмас. Бешинчи разрядли ишчилар билан кечагина ишга келган ёшлар ҳам аравани баравар тортишади. Демокчиманки, зиммасидаги вазифани ўринлатиб бажаришади. Ҳаммага маълум, бешинчи разрядли бинокор бир сменада 25 квадрат метр жойни суваши керак. Иккинчи разрядли ишчи эса 11 квадрат метр жойни қўлдан чиқарса топшириқни бажарган бўлади. Бригадамизда Тоҳир Мамажонов, Света Барадуллина сингари иккинчи разрядли бинокорлар бор. Уларнинг ишга келганига бор йўғи бир йил бўлди. Шунга қарамай, ҳар сменада ўрта ҳисобда 15-17 квадрат метр жойни сувоқдан чиқаришяпти. Федя Зяблов, Валентина Парвудина, Аҳмад Ҳабиров, Шура Сўфиёрова, Атиля Аҳмедова сингари юқори разрядли аъзоларимиз бўлса 30-35 квадрат метр деворни сувоқ қилишяпти.

Баъзан бошқармада ёки трестда йиғилишганимизда ҳамкасбларим ишни ташкил қилиш тартиби билан қизиқишади. Қолган бригадалар ҳам топшириқларни ошириб бажаришади. Лекин ишнинг сифати бизникичалик эмас. Шунда мен асосий гап интизомда, ишни ташкил қила билишда эканини айтаман. Бригадамизда шундай қоида бор. Эртанги ишни бугун гаплашамиз. Ишдан кейин 5-10 минут вақтни аямаймиз. Ким эртага нима иш қилишини келишиб оламиз. Бир қарашда бу одат аҳамиятсиздек кўринади. Ҳолбуки эртасига ишни тақсимлаш учун камида ярим соат вақт кетган бўларди. Эрталабки ғайрат билан ярим соатда бригадамиз талай иш қилиб қўяди.

Бригадамизда интизом яхши йўлга қўйилган. Айниқса бинокорликда интизом бўлмаса қийин. Ҳамма иш бир-бирига боғлиқ. Қадимдан гап бор, якка отнинг доғи чиқмас дейишади. Биргалашиб, бир-биримизга кўмаклашиб ишламасак ишнинг унуми бўлмайди. Бизда ҳамма ишга баравар келади. Бирон кишининг иши чиқиб қолса, олдин айтиб қўяди. Ишнинг расамати бузилмайди.

Юбилей йили ҳар бир коллектив учун ўзига хос синов йили бўлади, десак тўғри бўлар. Ҳамма ёқда социалистик мусобақа авжида. Яқинда Навоий химия комбинати, Тошкент трактор заводи, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси каби бир қатор корхона, колхоз, совхоз коллективларининг юбилей йилини катта кўрсаткичлар билан якунлаш ҳақидаги ташаббуслари матбуотда эълон қилинди. Биз йилнинг баҳоридаёқ 1971 йил ҳисобига ишлай бошлаган эдик. Бригададошлар яқинда яна маслаҳатлашдик. Ҳар биримиз бу йилни катта ютуқлар билан якунлашга астойдил бел боғладик. Шунга келишдик. 1971 йил 1 январидан бошлаб 1972 йил ҳисобига ишлаймиз.

Бошқармамиз 7 ойлик планни 124 процент бажарди. Белгиланганидек 1 миллион 108 минг сўмлик эмас, 1 миллион 374 сўмлик иш қилинди. Бошқарма бўйича 20 декабргача юбилей йили топшириғини ошириб бажаришга келишганмиз. Бригадамиз ваъдасига вафо қилса ана шу катта ишга муносиб ҳисса қўшган бўлади. Қолган бинокорларни ҳам юбилей йилини ажойиб ютуқлар билан якунлаш учун мусобақалашиб ишлашга чақирамиз.

Каримжон МУСЛИМОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли пардозлаш трестининг 29-бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати.

ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИДА



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. 220 киловольтли Ангрен-Наманган электр узатиш линияси қурилиши поёнига етказиляпти. Бу линия узунлиги 159 километр бўлиб, у Қурама тизма тоғлари бўйлаб қанот ёзяпти. Партия XXIV съездини муносиб совғалар ҳозирлаш билан кутиб олишга аҳд қилган бунёдкорлар линияни биринчи октябргача фойдаланишга топшириш учун ғайрат қилаётирлар. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Кран машинисти П. Андреев, прораб И. Турғунбоев ва бульдозерчи В. Коваленко ўртоқлар; 2. Намангандаги «Шарқ» подстанцияси.

Е. Корниенко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚУВОНЧЛИ ХАБАРЛАР

1971 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Наманган трансформатор заводи пешқадам корхоналардан. Завод коллективи топшириқларни доимо ортиғи билан ўринламоқда. Улар ҳозир 1971 йил ҳисобига ишлай бошлашди. Муваффақиятга Ю. Павлов ва Г. Лашипин бошлиқ участка ва А. Подмарёв бошлиқ механика цехи ишчилари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу йил трансформатор ва электрокалориферларнинг янги маркаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

А. ХУСАИНОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ЮТУҒИ

Хазарасп район колхозлараро қурилиш бошқармаси ойлик ва квартал планларини муваффақиятли бажармоқда. Бошқарма саккиз ойлик планни ҳам уддалади. Шу йилнинг ўзида 2 минг квадрат метр уй-жой, янги мактаблар, минерал ўғит сақланадиган омборлар ва молхоналар қурилди.

Колхозлараро қурилиш бошқармасининг қуввати ошади. Бу йил жами 1 миллион 200 минг сўмлик иш қилиниши керак эди. Келгуси йили бажариладиган иш ҳажми икки марта кўпаяди.

Э. АЛМУҲАМЕДОВ.

ТЕЖАМКОРЛИК ҲИСОБИГА

Чирчиқ шаҳридаги пойафзал фабрикаси бу йил тежалган хом ашё ҳисобига салкам 40 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарди. Унда Комил Каримов бошлиқ бўлган бичув цехининг катта ҳиссаси бор. Бу коллектив шу кунгача пойафзалнинг юқори қисмига ишлатиладиган чармдан 400 минг квадрат дециметрдан кўпроқ, пойафзалнинг остига қўйиладиган чармдан эса 200 минг квадрат дециметр тежаб қолди. Т. Бойко, С. Сон, Н. Серегина сингари косиблар эса тежамкорликда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

И. СЕРГЕЕВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Й. АЪЗАМОВ ва З. З. СОБИТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет киносанъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун «Ўзбекфильм» киностудиясининг постановкачи режиссёрлари Йўлдош **Аъзамов** ва Загид Зарипович **Собитов**га «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 4 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. Х. ЕНИЛЕЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ишлари ва қишлоқ хўжалигига юқори малакали мутахассисларни тарбиялаб етиштирганлиги учун Тошкент қишлоқ хўжалик институти физиология ва микробиология кафедрасининг мудири, биология фанлари доктори, профессор Халил Хайрулович **Енилеев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 4 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. АҲМЕДОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Юридик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари ва республика қонунчилигини такомиллаштиришдаги хизматлари учун В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети юридик факультети криминалистика кафедрасининг мудири Бердиёр **Аҳмедов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 4 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. И. ОРИПОВ, Э. НИШОНОВ, В. Т. ПРУДСКАЯ ВА А. И. УГЛАНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика прокуратура ва суд органларидаги кўп йиллик ва самарали ишлари, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин:

Орипов Тўйчи Исамуҳамедович — Ўзбекистон ССР прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Нишонов Эшон — Андижон область прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Прудская Валентина Тихоновна — Андижон шаҳар давлат нотариал конторасининг катта нотариуси.

Угланов Александр Иванович — Тошкент шаҳар Киров район прокуратурасининг терговчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1970 йил, 4 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия органларидаги кўп йиллик, самарали ишлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Хоразм область Урганч район партия комитетининг биринчи секретари Полвон **Назаров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

Ғиждувонликларнинг бу йилги мажбурияти катта. Улар давлатга 80 минг тонна пахта сотишлари керак. Бу пландагидан 14,5 минг тонна кўпдир. Шунингдек район меҳнаткашлари 3250 тонна гўшт, 5500 тонна жун, 6350 тонна сут, салкам 15 минг тонна сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етказиб берадилар. КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорларидан илҳомланган районимиз меҳнаткашлари бу йилги йиғим-теримга пухта тайёрлик билан киришдилар. Хўжаликларни тайёрлов пунктлар билан боғлайдиган йўл ва кўприклар, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицепли тракторлар муддатидан илгари тайёр қилиб қўйилди. Теримчилар учун етарли миқдорда этак, қоп-қанорлар ҳозирланди. Буларнинг ҳаммаси йиғим-теримни муваффақиятли бошлаб юбориш имкониятини берди.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитети кўп сонли депутатларнинг ғайрат-ташаббусига таянган ҳолда далада ишлаётганлар учун барча қулайликларни яратиб беришга интилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини пахтани териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорида аҳолига намунали маиший-маданий, медицина хизмати кўрсатиш, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шунга кўра район совети ижроия комитетининг навбатдаги сессияси дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масаласини чуқур ўрганиб чиқди ва тегишли тадбирларни белгилади. Ҳозир райондаги 20 колхоз 3 совхозда 50 дан ортиқ маданий-маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди. Қишлоқлардаги ўнлаб кутубхоналар, ўқиш заллари, кино-театрлар, кўчма дўконлар ишни дала меҳнаткашлари ҳузурига кўчиришган. Улар кунига 750-800 кишига маданий-маиший хизмат кўрсатяпти. Биз бутун диққат-эътиборни колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ва теримга жалб этилган ёрдамчиларга ҳар жиҳатдан қулайлик яратишга қаратдик. Бу ишда депутатларимиз айниқса ўрнак кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Ҳамидов раислик қилаётган «Гулистон» колхози районимиздаги йирик пахтачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги 14 дала шийпони, бир неча болалар боғчаси ва ясилларида, 4 кутубхона, медицина пункти, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари меҳнаткашларга 12 турда хизмат кўрсатяпти. Натижада хўжаликда пахта териш ва тайёрлаш суръати кун сайин ошиб бормоқда. Область Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Жабборов раислик қилаётган Энгельс номли хўжалик деҳқонлари бу йил она Ватанга 12 минг тонна «оқ олтин» ҳадья этиш учун курашмоқда. Бу пландагидан 3,5 минг тонна кўпдир. Колхоздаги барча дала шийпонларида 20 га яқин сотувчисиз дўкон, кўчма аптечкалар ишлаб турибди.

Бу ерда болалар боғчалари учун қўшимча равишда 1200 сўмлик мебель ва ўйинчоқлар сотиб олинди. Буларнинг ҳаммаси колхоз деҳқонларининг унумли меҳнат қилишлари учун катта имконият яратиб беряпти.

Райондаги Ленин номли, Карл Маркс номли, Калинин номли, «Бўстон», «Тошработ» колхозларида ҳам дала меҳнаткашлари учун қулай шароитлар яратиб берилган. Савдо ходимлари пахтакорлар ўртасида, тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводлари қошида энг муҳим саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз савдони йўлга қўймоқдалар. Шу кунларда 20 колхозда 220 та магазин, 30 га яқин кўчма дўкон, 80 ларёк ва бошқа савдо пунктларида аҳолига кунига 100 минг сўмдан ортиқ турли товарлар, рўзғор буюмлари, холодильниклар, радиоприёмниклар, телевизорлар сотилмоқда.

Районимиздаги барча дала шийпонлари деҳқонларнинг иккинчи уйига айлантирилган. Ҳозир 310 та дала шийпонида пахтакорлар мириқиб дам олишади. Умуман меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш Советларнинг доимо диққат марказида турибди. Районимизда бирорта қишлоқ ва посёлка Совети йўқки, улар ўз сессия ва йиғилишларида мактаб, йўл қурилиши, хонадонларга водопровод ва газ ўтказиш, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ишини яхшилаш, пенсия таъминоти, болалар боғчалари, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари фаолияти, пахтакорларга хизмат кўрсатиш масалаларини кўриб чиқмаган бўлсин. Ҳозирги вақтда болалар боғча ва яслиларининг иши маҳаллий Совет депутатларининг диққат марказида турибди. Районимиз қишлоқларида 68 та доимий, 221 та мавсумий болалар боғчаларида пахтакорларнинг минглаб фарзандлари тарбияланяпти. Бу соҳада Сармижон (раиси Х. Ходиева), Бўстон (раиси И. Салимов), Фришкент (раиси З. Омонова), Ғовшин (раиси М. Равшанов) қишлоқ Советларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Районимиздаги 30 га яқин депутат группалари, 13 доимий комиссия атрофига уюшган 200 дан ортиқ депутатлар пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда актив қатнашмоқда. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссияси (раиси Р. Панoев) аъзоларининг фаолияти айниқса кучайди.

Район маиший хизмат кўрсатиш комбинати, кинолаштириш ва маданият бўлимлари коллективлари ҳам далада ишлаётганларга хизмат кўрсатишга бел боғладилар.

Район Совети, қишлоқ ва посёлка Советларининг депутатлари пахтакорларга намунали маданий-маиший шароитлар яратиб беришни ўзларининг энг долзарб, ҳаётий вазифалари деб билмоқдалар. Уларнинг бу ғамхўрлигидан руҳланган район пахтакорлари «оқ олтин» учун курашда катта зафарлар қучиши турган гап.

Ғ. УРИНОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Ғиждувон район Совети ижроия комитетининг раиси.

Ажаб савдолар

ЭСКИ ПЛАСТИНКА

Болалигимда эски бир пластинкани патефонга қўйиб эшитгандим. Номи эсимда йўқ, лекин бир жойига келганда игна пластинканинг бир чизигига тушиб қолиб, ундан нуқул «бажарамиз, бажарамиз, бажарамиз...» деган сўзлар қайтарилаверганн сира ёдимдан чиқмайди.

Тошкент шаҳар «Водоканал» трестининг бошлиғи ўртоқ М. И. Хўжаевнинг айрим меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларга жавоблари билан танишиб чиққанимда худди ўша эски пластинка, айниқса унинг ҳадеб қайтарилаверадиган «бажарамиз, бажарамиз, бажарамиз...» деган сўзлари хотирамга ярқ этиб келди.

Чунончи бу ташкилот бошлиғининг Октябрь районидаги Колхозная кўчаси аҳолиси билан ёзишмаларини олиб кўрайлик. Бу ерда истиқомат қилаётган кишилардан 1966 йилда тушган аризада маҳаллада, айниқса Колхозная кўчасида водопровод суви билан аҳолини таъминлаш ачинарли аҳволда эканлиги кўрсатилиб, «Водоканал» ташкилоти бошлиғидан нажот сўралган эди. Ўшанда ўртоқ Хўжаев энг кўп ишлатиладиган «бажарамиз» сўзини қўшиб, катта ваъдалар бериб жавоб хати ёзиб юборди.

Ўша куни Колхозная кўчасида байрам бўлиб кетди, мушаклар отилди. Ҳаммаёқда дув-дув гап: «Хўжаев акамлар ваъда берибдилар! Кам бўлмасин. Киройи раҳбар шундай бўлса!».

Ўшандан бери тўрт йилдан ошди. Шу давр ичида Колхозная кўчаси меҳнаткашлари билан ўртоқ Хўжаев ва унинг қўл остидаги кичикроқ раҳбарлар билан ёзишмалар узлуксиз давом этди. Аризачилар ариза ёзишавериб чарчади, лекин «Водоканал» трестининг бошлиқлари «бажарамиз» деб ваъда беришдан чарчашгани йўқ. Ўртоқ Хўжаев ўтган ойда яна жавоб ёзди. Унда ҳам «бажарамиз» деган сўз катта харфлар билан ёзилган.

Шу тариқа эски пластинка ҳамон айланиб турибди: «бажарамиз! бажарамиз!! бажарамиз!!!».

КАМПИР ШАФТОЛИ ЕГУНЧА...

Азизовнинг телевизори кўр сатмай қўйди. У ёқ, бу ёғини текшириб қараса, телевизор эмас, стабилизатор бузилган экан. Ўзингиз биласиз, стаблизатор — телевизорнинг суянган тоғи, у бўлмаса «зангори экран» ёшлигиданоқ жувонмарг бўлади.

Буни яхши тушунган Азизов стаблизаторини қўлтиқлаб йўлга равона бўлди. Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, ниҳоят Тошкент шаҳар, Пионерская кўчасидаги «Зангори экран» устахонасига етиб келди.

— Эртага келинг, кампир шафтоли егунча тузатиб берамиз, — дейишди устахона ходимлари.

Азизов эртаси куни келди.

— Айб бизда, унутибмиз. — дейишди устахона ходимлари. — эртага келинг, кампир кўз очиб юмгунча тузатиб берамиз.

Азизов эртаси куни келди, индини куни ҳам келди ва яна ўн кун келди. Ниҳоят:

— Стаблизаторингизни отдай қилиб тузатиб қўйдик, энди томдан ташласангиз ҳам писанд қилмайди, — дейишди «Зангори экран» усталари ва нақд 11 сўм уста ҳақи олиб, стаблизаторни Азизовнинг қўлтиғига тутқазишди.

Азизов уйига оғзи қулоғида қайтди. Бутун оила аъзоларини йиғиб, телевизорни стаблизатор орқали токка улаган эди, «зангори экран» лом-мим демади. Синчиклаб қараса, айб стаблизаторда экан. Маълум бўлишича, «Зангори экран» устабузарлари уни тузатаман деб, баттар бузиб беришибди.

Азизов стаблизаторини орқалаб, яна Пионерская кўчасига равона бўлди.

— Нега мени шунча овора қилмасанглар? — деди у.

— Ойлик планимиз тўлмай турувди, — уялмай нетмай жавоб беришди устабузарлар. — Роппа-роса 11 сўм етмаётган эди. Худо бергандай, сиз келиб қолдингиз. Ҳожатимиз чиқди.

— Сизларнинг ҳожатингиз чиққани яхши. лекин менинг ҳожатимни ким чиқаради? — дарғазаб бўлди Азизов.

— Бу ҳақда Озарбайжондаги электр аппаратлари заводига мурожаат қиласиз.

— Ундай бўлса, 11 сўм пулимни қайтариб беринглар...

— Сира иложимиз йўқ, чунки у пулингиз план бажаришимизга катта ҳисса бўлиб қўшилган. Ҳа, шундай, Азизов ака.

Азизов 28 сўмлик стаблизатор деб шунча азоб-уқубатларга мубтало бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Агар Азизов бошига тушган бундай кўргилик, сарсон-саргардонликлар шоирона ном олган «Зангори экран» устахоналари фаолиятида ягона, тасодифий воқеа бўлганида, бу мавзуда сира ҳам ёзмаган бўлардим!

Неъмат **УЛУҒЖОНОВ.**

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КОЛЛЕКТОРСИЗ ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ

Электродвигатель — электровознинг «юраги» ҳисобланади. Яқин-яқинларгача ўзгармас ток билан ишлайдиган коллекторли двигателлар қўлланилиб келинарди. Улар электровозни жойидан аста қўзғатиб юбориш ҳамда тортиш кучига эга. Бироқ, қувватнинг ошиши натижасида коллекторда учқунланиш ёки бошқача айтганда «айланма ўт чиқиши» содир бўлади. Бу эса тезда двигателни ишдан чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам бу «ўт чиқиш»нинг олдини олиш мақсадида темир йўл транспорти Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти ходимлари Новочеркасск электровоз қурилиши заводи мутахассислари билан ҳамкорликда коллектор вазифасини ўтовчи ярим ўтказгич вентил (шиналарнинг резина камерасига ҳаво юбориш учун ишлатиладиган жўмрак сингари кичкина трубка)ли электродвигатель кашф этдилар. Бундай двигателли электровозлар синов пайтида ижобий натижа берди.

ЯНГИ УСУЛ

Озарбайжон ССР Фанлар академияси Зоология илмий-тадқиқот институти ходимлари республика табиий сув ҳавзаларида балиқлар ҳисобига яшовчи текинхўр жониворларнинг тарқалиш характерини, фауналарнинг қонуниятларини, сув омборлари ва сув ҳавзаларида касалликларнинг сабабларини аниқладилар. Текинхўр жониворлар балиқ хўжаликларига катта зарар етказаётган эди.

Тадқиқот ўтказиш натижасида балиқларнинг турли хавфли касалликлар билан зарарланишининг олди олинди ва янги илмий усул ишлаб чиқилди.

БУҒ ЎРНИГА НУР

Темир-бетон плиталар, панеллар, блокларни қуйишдан сўнг тебраниш стендида иссиқ буғ билан қайта ишланади. Шундай қилинганда қурилиш материаллари ниҳоятда чидамли ва пишиқ бўлади. Лекин бундай қайта ишлаш усули тўла такомиллаштирилмаган, бунинг устига кўп меҳнат сарфланади.

Шулар ҳисобга олиниб Москвадаги «Прокатдеталь» конструкторлик бюросида темир-бетонларни инфрақизил нурлар орқали чидамлилигини ошириш бўйича синов ишлари олиб борилмоқда. Нурланиш таъсир этиши натижасида бетон «тобланади». Шунингдек, қурилиш материалларини қайта ишлаш жараёни ҳам бирмунча тезлашади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Тошкент астрономия институтининг олимлари ва илмий ходимлари коинот сайёраларининг ҳолатини ва тузилишини тадқиқот қилиш борасида яхши натижаларга эришяптилар. Суратда: физика-математика фанлари кандидати, қуёш физикаси бўлимининг илмий ходими Исроил Сатторов горизонтал қуёш телескопини кузатишга тайёрлаяпти.

М. НУРИТДИНОВ фотоси.

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР СОВҒАСИ

Ленинград вагонсозлик заводи коллективи тошкентликларга 17 та трамвай вагони совға қилди. Уларга ҳавони мўътадиллаштириб берадиган мослама ўрнатилган. Вагон ўриндиқлари 85 кишига мўлжалланган. Вагон бошқарувчисига анча қулайликлар яратилган. Вагоннинг олдинги қисмида жойлашган қурилманинг икки четига ўрнатилган вентиляторлар иссиқ ва совуқ ҳаво беради.

Соатига 40-45 километр йўл босадиган бу янги трамвай вагонларининг дастлабкилари бугун-эрта Тошкент шаҳрининг «Височовольтний» массиви — Марказий универмаг маршрути бўйлаб қатнай бошлайди.

Бугун—армияга чақирилувчилар куни

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Бугун республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида армияга чақирилувчиларнинг традицион куни ўтказилади. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиянинг бу ўзига хос формаси ёшларни Қуролли Кучларимизда хизмат қилишга янада яхшироқ тайёрлаш зарурати туфайли юзага келди.

Республикамизнинг ҳарбий комиссариатлари, ДОСААФлар, спорт ташкилотлари комсомол-ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда яхши ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Шу туфайли республикамиз ҳар йили шонли армиямиз ва флотимиз учун жисмоний жиҳатдан соғлом, маънавий тетик ёшларни етказиб беряпти. Шу йилнинг баҳорида биз Қуролли Кучларимиз сафига юборган ёшларнинг 97,3 проценти саккиз йиллик ва ундан ортиқ маълумотга эга эдилар. Армияга кетганларнинг деярли ҳаммаси «Ватан ҳимоясига тайёрман» комплекси бўйича имтиҳон топширдилар. Хизматга юқори малакали кадрлар тайёрлашда Фарғона, Тошкент, Андижон областлари ҳамда Тошкент шаҳри олдинда бормоқда.

Бир вақтлар Бухоро областининг Вобкент районидаги узоқ қишлоқлар, чорва яйловларида ким қачон армияга кетаётганлигини ҳеч ким билмас эди. Энди бўлса, бу ерда ҳар бир ёш зўр тантана билан армияга узатилади. Район ДОСААФ ташкилоти армияга чақирилувчи ёшларнинг хилма-хил тўгаракларда иштирок этишига эришмоқда. Спорт жамияти ва ташкилотлари Советн ҳарбий комиссариат билан биргаликда ёшларнинг жисмоний тарбиясига зўр эътибор бермоқдалар. Районда армияга чақирилувчилар куни ҳар йили кенг нишонланади ва у ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг яхши омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкентликлар, самарқандликлар ҳам армияга чақирилувчилар кунини ўтказишда ибратли тажриба тўпладилар. Уларда бу байрам ҳарбий қисм, Ватан уруши қаҳрамонларининг актив иштирокида ўтказилади. Ёшлар бу куни ҳарбий қисмда, офицер ва солдатлар ҳузурида меҳмон бўладилар, Ватанга хизмат қилишнинг ажойиб намуналари билан танишадилар.

Ҳарбий комиссариатлар, комсомол ташкилотлари, спорт ва бошқа жамоат ташкилотлари, корхона, колхоз ва совхоз, муассасаларнинг раҳбарлари армияга чақирилувчилар кунини нишонлар эканлар, бу соҳадаги камчиликларга рўй-рост қарашлари лозим. Бу соҳадаги ютуқларни умумлаштириш, камчиликларни чуқур анализ қилиш, ёшларни армия хизматига кўнгилдагидек тайёрлаш учун оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни ҳар томонлама кучайтириш лозим. Асосий вазифа — Қуролли Кучларимиз сафига юқори малакали, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр турадиган ёшларни тайёрлаб беришдир.

И. КУРГУЗОВ,
Ўзбекистон ССР Ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида чорвачиликдаги аҳволни яхшилаш, унинг маҳсулдорлигини ошириш хусусида сўз борди. Бу вазифани бажармоқ учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Хўжалик тўғри юритилганида паррандачилик маҳсулотининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришда етарли даражада рентабелликка эришиш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда 9 та давлат паррандачилик фабрикаси, 7 та паррандачилик совхози, 2 та давлат наслчилик-паррандачилик совхози, 5 та инкубатор-паррандачилик станцияси ишлаб турибди. Андижон ва Ғиждувонда бройлер паррандачилик фабрикаси қурилмоқда.

Республика аҳолиси саноат йўли билан парранда етиштирувчи корхоналардан 109 миллион дона тухум ва 2 минг тонна гўшт олди. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тухум ҳисобига 37,2 миллион дона ва гўшт ҳисобига 700 тонна ортди. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида шундан илгариги 4 йилдагига нисбатан тухум тайёрлаш 258,5 миллион донага ёки 3 баравар, парранда гўшти тайёрлаш эса 3,7 баравар кўпайди.

Бешта корхонамизда иқтисодий ислоҳот амал қилмоқда, бу корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган. Ана шу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 37 проценти тайёрланмоқда. «Узптицепром»нинг ҳамма корхоналари даромад бериб ишламоқда.

Навоий шаҳридаги ва Фарғонадаги 2-паррандачилик фабрикалари, 4-паррандачилик совхози, Наманғандаги инкубатор-паррандачилик станцияси коллективлари ўз зиммаларига қўшимча социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар планга қўшимча тарзда 6,5 миллион дона тухум етказиб берадилар. Шу йилнинг етти ойи мобайнида Фарғонадаги 2-паррандачилик фабрикаси илғариги социалистик мажбуриятига қўшимча тарзда 1,1 миллион дона, Навоийдаги фабрика эса 0,8 миллион дона кўп тухум етказиб бердилар. «Узптицепром» корхоналари бу йил 200 миллион дона тухум ва 5 минг тоннадан кўп парранда гўшти етказиб берадилар. Қишлоқ хўжалиги буюртмаларини бажаришга социалистик мажбуриятларимизга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Колхоз ва совхозларимизнинг жўжа етказиб бериш юзасидан йиллик план буюртмасини ортиғи билан бажардик.

Давлат саноат йўли билан парранда етиштирувчи корхоналарга катта ёрдам кўрсатмоқда. Сўнгги беш йилнинг ўзидагина паррандачилик фабрикалари к[у]риш ва реконструкция қилишга бюджет маблағларидан 100 миллион сўм ажратилди. Республика ҳукуматининг қарори билан 6 та ихтисослашган паррандачилик хўжалиги бунёд этишга қарор қилинди. Бу хўжаликларда 17 миллион жўжа 60 кунлик бўлгунга қадар боқилади. Тошкентда, Фарғонада, Самарқандда ва Навоий шаҳрида паррандачилик маҳсулотлари, ярим фабрикатлар ва тайёр таомлар билан савдо қиладиган махсус магазинлар очилади.

Саноат йўли билан парранда етиштириш қишлоқ хўжалигининг катта ва мураккаб тармоғи бўлиб қолди. Эндиликда бу тармоқ жамоат секторидаги ҳамма паррандачилик маҳсулотининг 60 процентга яқинини етказиб бермоқда ҳамда тухум тайёрлашни йил сайин кўпайтириб бормоқда. Ҳозир унинг тухум тайёрлашдаги салмоғи 40 процент ва ундан ҳам ортиб кетмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 122 тадан 145 тага етди. Бу йил ҳар бир товуқдан 160 тадан кўпроқ тухум олиш мўлжалланмоқда. Лекин ана шу маҳсулдорлик ҳам анча паст. Илғор корхоналарда бу кўрсаткич анча юқори. Фарғонадаги давлат наслчилик-паррандачилик совхозида товуқдан йилига 200-210 та тухум олинмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг технологияси ҳам яхшиланди. 1967 йилгача товуқлар ерда боқиларди. Эндиликда уларни катакда боқиб яхши натижаларга эришилди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, республикадаги ҳамма паррандачилик фабрикаларида паррандаларни катакларда боқишга ўтиш тухум олишни беш баравар кўпайтиришга имкон беради ва қўшимча 5,7 миллион сўм фойда олинади. Бу вазифа тезроқ ҳал этилишини истар эдик. Механика заводи (Москва области), Тбилиси, Запорожье ва Иркутск шаҳридаги машинасозлик заводлари ва Тошкент авиация заводи паррандаларни катакларда боқиш учун ишлатиладиган ускуналарни ўз вақтида етказиб беришса, республика паррандачилари янги ютуқларга эришадилар.

Айрим қурилиш ташкилотлари вазифанинг муҳимлигини англаб ишларни қайта қурганлари йўқ. Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23- трест Тошкентдаги ва Бўстонлиқдаги паррандачилик фабрикаларини ва давлат наслчилик заводини суст қурмоқда. 21-қурилиш тресті монтаж ишлари планини муттасил бажармай келаётир. Биз министрлик ўз қарамоғидаги трестлар ишини КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида қайта қуради, деб ўйлаймиз.

Тармоқ корхоналарини ривожлантиришга ем тайёрлаб бераётган корхоналар ҳам муҳим ҳисса қўшишлари керак. Республика Тайёрлаш министрлиги корхоналари чиқараётган аралаш ем сифатсиздир. 1-13 рецепти товуқларга бериш учун мўлжалланган бўлиб, лекин унинг таркибида жўхори ва витаминлар кам. Жўжаларга бериладиган 7-1 ва 7-2 рецептларида ҳам жўхори кам. Булар рационларнинг қимматини туширади, демак парранданинг маҳсулдорлигини ҳам камайтиради.

Паррандаларнинг кўпроқ тухум қилмоғи учун тўйимли аралаш ем зарур. Бу аралаш ем эса саноат меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалик ходимлари ва олимларнинг ҳамкорлигида яратилиши керак.

Янги беш йиллик план лойиҳасига кўра тухум ва парранда гўшти тайёрлаш уч баравар ортиши, ҳар бир товуқдан йилига 200 тага етказиб тухум олиниши керак. Бунинг учун республикада 12 та паррандачилик фабрикаси қурилади. «Химик» ва Тимирязев номли совхозларда курка фермалари кенгайтирилади. «Химик» совхозида ва тўртинчи паррандачилик совхозида ўрдакчилик комплекслари бунёд этилади. «Ўртасарой» совхозида ва Гулистондаги парранда наслчилиги совхозида ўрдак боқиш кўпаяди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси беш йиллик охирига келиб тухум тайёрлашни 500 миллион донага, парранда гўшти етиштиришни 14-15 минг тоннага етказишга имкон беради.

Янги техникани ва паррандаларни катакларда боқиш ва ўстиришдек прогрессив системанинг жорий этилиши, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш, илғор тажрибани кенг қўлланиш ҳамда хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмаларининг афзалликларидан фойдаланиш, коллективларнинг ижтимоий тараққиёти комплекс планларини амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси бизнинг асосий резервларимиздир.

М. АҲМЕДОВ,
«Узптицепром» бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

АХБОРОТ
КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ҚЎШНИЧИЛИК ЁРДАМИ

Қозоғистон ССРнинг «Южводстрой» қурувчилари даврасига Ўзбекистондан ёрдамчилар келишди. Чимкент областидаги Жанубий сув иншооти қурилишида автотранспорт воситаларидан фойдаланишда баъзи қийинчиликлар туғилганди. Тошкент политехника институтининг қурилиш ишларини ташкил қилиш кафедраси мудири, техника фанлари кандидати М. Иброҳимов, республикамизнинг кекса бинокор олими, доцент З. Шваб, транспортчи олим А. Азимов, аспирант Ш. Утегенов ўртоқлар шу кунларда қурилиш олиб борилаётган жойда автотранспорт воситаларидан самарали фойдаланишни уюштиришда дўстларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Т. БОБОЖОНОВ.

«ТАЛЛИМАРЖОН» ҚОВУНИ

Сурхондарё областининг «Таллимаржон» совхози далаларида турли мевалар ғарқ пишди. Айниқса бу ерда етиштирилган қовунлар ширинлиги билан машҳур. «Кўкча», «Амири» қовунларининг довруғи кўпчиликка маълум. Совхоз соҳибкорлари анчагина майдонга шундай навли қовунлар экишганди. Алиёр Ҳазратқулов бошлиқ полизчилар бригадаси Бандихон чўлида юқори ҳосил етиштирдилар. Совхозда етиштирилган қовуннинг бир қисми Россия шаҳарларига жўнатилди. Яқинда тағин 70 тонна «Таллимаржон» қовуни Ленинград ва Куйбишев шаҳарлари завод-фабрикаларига юборилди.

А. ҲАМЗАЕВ.

ТАЖРИБА ЎРТОҚЛАШИЛДИ

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ташаббуси билан шаҳарнинг Фрунзе районидаги 135-ўрта мактабга жисмоний тарбия ўқитувчилари тўпланишди.

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори В. Воронов янги ўқув йилида физкультура дарсларини юқори сифатли ўтказиш тадбирлари тўғрисида доклад қилди. Республика Маориф министрлиги физкультура ишлари бўлимининг инспектори Қ. Шаропов бу ўқув йилида мактаб спортчилари мусобақаларини ўтказишдаги янгиликлар ҳақида сўзлади.

Т. ЮСУПОВ.

* * *

Редакциямиз тошкентлик Л. Блиндер, қашқадарёлик М. Абдуллаева, Э. Ҳасанов, И. Турсунов, наманганлик С. Турғунов, самарқандлик Н. Суюнов, сирдарёлик Э. Рўзибоев, бекободлик Т. Маҳкамов, андижонлик Қ. Исаев, фарғоналик Н. Рауфжонов ўртоқлардан ҳам шу мазмундаги хабарларни олди.

ЁЗУВЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

СУРХОН СОВҒАСИ

Етти иқлимда антиқа жойлар кўп. Эллар ва элатлар ҳақида жуда кўп ривоятлар эшитганмиз. Киноларда не-не поёнсиз чўллар, мовий кўллар, қорли чўққилар, жигарранг қўлтиқлар, яшил боғлар ва чаман ўтлоқларни кўрганмиз. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам биз бир кўрганимиздаёқ, севиб мафтуни бўлган, қўшиқ куйлашга илҳомлантирган диёр, Ўрта Осиёнинг Мисри — малла ипак пахта кони — Сурхон воҳаси қаршисида анчайин бир зарра!

Гарчи шоир ва ёзувчилар муболағага ўч бўлишса-да, бу гапларимиз лофдан тамомила холи. Ўзимиздан ҳеч нимани қўшиб-чатганимиз йўқ. Тургани-битгани ҳақиқий воқеликдир. Совет ерининг кундалик ҳаёти, совет кишисининг оддий табиатидир.

Сафаримиз Сурхон диёрида қовун пўчоғи ерга тушган фаслга тўғри келди. Афсус, Жайҳун ва Сурхон сувларини ичган бу водийнинг қондай ёнган лолазорларини, гуркираб ётган жийдазорларини, тоғ қояларида ўсган равочларини, аччиқ дона ёки қай анорларининг сеҳрли гулларини кўролмадик. Ёзнинг бир четинигина кўриш насиб бўлди, холос. Сариосиёсидан кириб, Жарқўрғонидан чиқиб кетишимизнинг ўзидаёқ кўрган-кечирганларимиз жўшқин илҳом келтирди бизга.

Сурхон диёрининг бир учи — Сариосиё райони қадрдон тожик эли тупроғига бориб туташади. Худди гўзал Фарғонанинг тайёр нусхаси. Қаерлари биландир гоҳ Водилни, гоҳ Ёзёвонни эслатади.

Сариосиё, Сариосиё,
Осиёдан нари Осиё,
Осиёдан бери Осиё,
Осиёдан қари Осиё,
Осиёнинг зари Осиё,
Осиёнинг бари Осиё,
Сариосиё, Сариосиё!

Ҳа, Сариосиё чиндан ҳам эллик-олтмиш центнерчиларнинг ватани. Қайси пахтакор бригадага борманг, «шунчасига бел олишганмиз», дейишади тажжубингизга мийиғида кулиб.

Калинин номли колхоз бригадири Абсамат Қодиров ҳам, Карл Маркс номли колхоз бригадири Бозор Раҳмонов ҳам, «Ленинград» колхозининг бригадири Қаҳҳор Саидовлар ҳам ана шундай аҳду-паймон қилганлардан. Бу оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетган гап эмас. Сариосиёликларнинг субути бор. Лафзи ҳалол. Иши ҳам, сўзи ҳам тайинлигини ғўзаларининг барқ уриб туриши яққол кўрсатиб турибди.

Сатҳи осойишта дарё тагидан тез оқади. У бекордан-бекорга тўлқин уриб ётмасдан, нуқул ичида қайнайди. Сариосиёдаги бир бригада худди шундай, Сурхон дарёсидек кишини таажжубга соладиган шовқин-суронсиз ички қудратга эга. Бригадири билан суҳбатлашдик.

Исми-шарифи — Ашур Холбобоев. Довруқли «Коммунизм» колхозининг чапдаст пахтакори. Саломи, истараси, дилкушолиги, оқ кўнгиллилиги Сурхон диёрининг фарзандлигига мансублигини айнан тасдиқлаб турган бу йигит энтимолог-агроном. У қамишдан паст, гулдан баланд бўлиб, аввалги вазифасида бинойидек ишлаб юрар, кечалари ҳаловати ҳам бор эди. Кунларнинг бирида уни правлениега чақиришди.

«Раис битта-яримта ғўзадан ҳашарот топган бўлса керак», деган андишага борган эди, қараса гап бошқа ёқда — бригадирликка тайинлашмоқчи бўлишибди. Яна қанақа бригадага денг! Чўкиб қолган бригадага! Одамларнинг қўлига пул кирмай ҳафсаласи пир бўлган бригадага! Ҳар йили пахта сводкасининг охирида осилиб турадиган бригадага! Холбобоев бу гапни эшитгач, ўйланиб қолди, таваккал дейишга тили бормади. Ахир, пахта дегани — нозик нарса. «Бор барака!» деб юборганинг билан ўзи ўсиб униб кетавермайди. Даромади дуруст бўлмаса, одамларни ҳам ийдириш қийин.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Мусулмонқулов, Холбобоевга ҳалол гапни айтди:

— Ашурвой, биз сенга роҳат ваъда қилмаймиз. Лекин бригадани кўтарсанг, обрў орттиришинг аниқ. Бу сендақа ёш коммунистга партиянинг биринчи топшириғи. Ўзинг биласанки, партиянинг топшириғи ҳаммавақт жиддий бўлади. Партия топшириғини адо этиш учун жангчиларимиз ўққа кўксини тутган. Шунқорларимиз эса шоҳпарвоз қилган.

Ашур Холбобоев партия топшириғини бажаришга киришди. Ишни аввало одамларнинг қалбига йўл топишдан бошлади. Бригада аъзоларини йиғди. Ор-номусни ўртага солди. Аъзолар анчагача ер чизиб ўтиришди. Кейин кимдир: «Ўзимизнинг ҳам ичимиздан қиринди ўтяпти, қолоқлик кўнгилга урди, келинглар, энди бир ёлчитиб ишлайлик», деди.

Ашур Холбобоев шарт қўйди:

— Биринчидан, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш керак. Иккинчидан, илғор тажрибани ўрганиш керак. Учинчидан, техникага суяниш керак. Тўртинчидан, пахта илмини ўқиш ва уқиш керак.

Бир оғиздан қарор қилишди. Иш янгича юритилди. Ташаббус қанот ёзди. 1958 йилнинг айни экин-тикин қиладиган кезларида бўлган эди бу. Ўша йилиёқ ҳосил гектарига 22 центнердан 37 центнерга кўтарилди. Бир йилги фарқ 15 центнер!

Ҳозир бригада Сариосиёда биринчи бўлиб теримга тушди. Дастлабки тонналар хирмонга уйилди. Ашур Холбобоевчилар бу йил партиямизнинг XXIV съезди шарафига қирқ центнердан пахта топширмоқчилар.

Тўғри, биз бу одамни ошиқча кўкларга кўтармоқчи эмасмиз. Лекин Ашур Холбобоевдай олижаноб ташкилотчи, иродали, камтарин, ҳозиржавоб оддий одамлар халқимиз учун жуда қимматлидир.

Хутан даштига дарё бошлаб келган, Шеробод чўлини иккинчи Янгиерга айлантирган азаматларни кўриб, бобо деҳқонларнинг пири, танти пахтакорларнинг устозлари чиндан ҳам Ўрта Осиё Мисри — Сурхондарёда эканлиги қойил қолдирди бизни. Пахтакорликда фарғоналикларнинг олдига ҳеч ким туша олмайди деган фикримиз эскириб қолаётганга ўхшади.

Фактлар, рақамлар, мисоллар, одамлар... Улар шу қадар мароқли, шу қадар ажойибки, шан-шавкатларини ардоқлаб, беихтиёр шеър ёзасан, киши:

Эй тантидан танти, ҳалолдан ҳалол,
Эркакдан эркагу, аёлдан аёл,
Эй сухсурдан сухсур, ўтлидан ўтли,
Ҳатто чамаси ҳам ҳисобли-чўтли,
Эй донодан доно, азимдан азим,
Сурхон пахтакори, қуллуқ ва таъзим.
Улуғ бўла туриб, жуда соддасиз,
Қаҳрамонлик билан тун-кун ёддасиз.

Ҳа, доно пахтакорларни Сурхон воҳасининг деярли ҳамма колхозларида учратиш мумкин.

... Норали Боймуродов номли колхоз Жарқўрғон районининг қоқ марказига, Сурхон дарёсининг икки қирғоғига жойлашган. Биз бу ерга келганда Боботоғ орқасидан кўтарилган ой, марҳум раиснинг хотирасига қўйилган гулзордаги ҳайкални ёритиб турарди.

Эски одамлар имонларини маҳкам ушлаш, ўзларини ҳар хил гуноҳлардан поклаш учун каъбатуллога, муқаддас шарифларга, авлиёларга бориб сиғинишарди. Янги авлодларчи? Хусусан, жарқўрғонликлар, ана шу ерга, колхоз саркорига қўйилган ҳайкални эъзозлаб абадий барҳаёт Норали акага бўлган ҳурматларини меҳнат борасида бажо келтиришяпти. Янтоқзор ўрнида жавоҳир сандиқ очган ватанпарвар инсон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонига қўйилган ҳайкални зиёрат қилишдан ҳам, кўксига даста-даста гул қўйишдан ҳам ортиқроқ мўътабар иш борми, ахир!

Колхоз правлениесининг янги раиси Холмамат Раҳматуллаев билан ҳам шу ерда Норали Боймуродов бунёдга келтирган колхоз истироҳат боғида учрашдик. У камсуқум кўринса-да, ишга келганда жуда пишиқ экан. Энг муҳими, одамлар билан муомиласи яхши. Қаттиқ-қурум гапирмайди. Нимаики демасин, уларни ўзининг хизматига йўймасдан, кўпчиликни кўзда тутади.

— 2300 гектар ерга пахта экканмиз, — деди раис. — Давлатга салкам 9 минг тонна «оқ олтин» беришимиз лозим. Шунинг ярмиси — ипак пахта. Барака топсин халқимиз, ардоқлаб ўстирди ғўзасини. Кўсаги шовул-шовул. Ғўза жониворнинг бошидан оёғигача дур қадаб қўйганга ўхшайди.

Раис кўрманага олиб келган бир туп шиғил пахтани кўрсатди. Баргидан чаноғи кўп.

— Дарвоқе, ёзиб қўйинг, ўртоқ ёзувчи, — раис илова қилди, — 20 та пахтачилик бригадасининг ҳар бири 40-50 центнердан пахта бериш мажбуриятини олган. Серҳосил бригада бошлиқларидан Масис Ҳуррамова, Абдураҳмон Эшназаров, Чори Алматов, Маматҳолиқ Ўроловлар яқин орада донг чиқариб қолишса ажаб эмас. Бунақа жонкуяр одамларнинг расмларини «Правда»да босиб чиқарса ҳам арзийди.

Суҳбатни колхоз радиоузели дикторининг «Диққат! Диққат!» деган хитоби бўлди:

— Норали Боймуродов номли колхоз радиоузелидан гапирамиз. Колхоз правлениесининг қарорига мувофиқ, эртадан пахта йиғим-теримига тушилади. Ҳамма пахтачилик бригадасининг аъзолари, ҳамма механизаторлар дала шийпонларига кўчиб чиқишсин. Одамларни пахта териладиган далага махсус автомашиналар элтиб қўядилар. Нонуштани дала бошида қиламиз. Иссиқ овқатимиз ҳам ўша ерда бўлади.

Азиз пахтакорлар, қадрдон ҳамқишлоқ, иноқ сафдошлар! КПСС XXIV съезди олди мусобақасида голиблик учун курашга бел боғлайлик! Ҳамма йиғим-теримга! Тезу тоза терайлик. Бир мисқол ҳам дуримиз нобуд бўлмасин!

Хушхабардан ҳаяжонланиб, раисга «Омадларингизни берсин, областда биринчиликни олар экансизлар», дедик.

Камтар раис ортиқча таажжубланмади:

— Сурхонда биздан ҳам ўткирлар бор. Бир айланиб чиқсаларингиз, ҳаммасини кўрасиз, ҳимматларига тан берасиз.

Ўрта Осиёнинг Мисри — Сурхон диёри бу йил жуда катта хирмон кўтаришга киришди. Сурхондарёда тўрт миллион юз минг тонналик катта осмонўпар хирмоннинг дастлабки бунтлари қад кўтара бошлади.

Пахтадан кўтарилаётган ғарамлар илҳомимизга илҳом бағишлади. Орзу ва тилакларимизни яна қўшиққа солдик.

Олганинг олтин бўлсин,
Тўйларинг олдин бўлсин,
Шеър билан тўйхат ёзиш
Биздақа чолдин бўлсин,
Катта ашула қилиш —
Тиллари болдин бўлсин,
Ипак дастурхон ёзиш,
Ул қора холдин бўлсин,
Зар фаслимиз мақтови,
Нуқул иқболдин бўлсин!

Мумтоз МУҲАМЕДОВ,
Султон АКБАРИЙ.
Термиз — Тошкент.

Республикамиз боғларида, токзорларида, полиззорларида ғарқ пишиқчилик. Хўжаобод районидаги Киров номли боғдорчилик совхозида ҳам худди шундай. Юқоридаги суратда Зулфия Холхонова узум узяпти. Пастдаги суратда эса совхоз ишчиларидан Қ. Мамиров ва А. Исматов ўртоқлар тарвуз узмоқдалар. Бу маҳсулотлар мамлакатимизнинг саноат марказлари аҳолисига жўнатиляпти. Р. Ашуров фотолари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

ЧЎЛҚУВАРЛАР МАДҲИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети радио тўлқинлари ва «зангори экран» орқали Қарши чўлини ўзлаштирувчиларга бағишлаб махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этди. Уларда чўлқуварларнинг бугунги ҳаёти ва меҳнати мадҳ қилинди. 19- қурилиш тресті эришган меҳнат зафарлари ҳақидаги кўрсатув айниқса мазмунли бўлди. Бу трест бинокорлари етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини ошиғи билан бажардилар. Шу муддат ичида 37 минг сўмлик қурилиш материалларини тежаб қолдилар.

Шу йили ташкил топган В. Ульянов номли совхоз коллективи ҳақидаги эшиттириш ҳам эътиборга лойиқ. Совхоз меҳнаткашлари 2350 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан илҳомланган бу коллектив планга қўшимча минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил курашаётганлиги ҳикоя қилинди. Ҳар иккала коллективнинг бугунги ғайрат ва шижоатлари, улкан вазифаларни шараф билан бажариш йўлидаги интилишлари, янги орзу ва режалари кўрсатувда ўз ифодасини топди.

«Халқ жасорати йилномаси» радиопрограммасидаги материаллар ўзининг ранг-баранглиги, жозибадорлиги билан тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Дастлабки программа уч саҳифадан иборат бўлди. Биринчи саҳифа: «Даштга саёҳат» деб аталди. Уни «Қаршистрой» бошқармасининг бошлиғи Ҳабибулло Шоғазатов олиб борди. Ўртоқ Шоғазатов чўлда барпо этилаётган янги посёлкалар, қурувчиларнинг янги режалари, интилишлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб берди.

«Танишинг: улар чўл қалдирғочлари» деб номланган иккинчи саҳифа: бетон заводининг донгдор ишчиси оператор Саломжон Тоҳиров, СССР Олий Советининг депутати бинокор Анвар Жалилов ва бульдозерчи Ҳалқулли Аннаевлар ҳаёти ва меҳнатига бағишланди. Учинчи саҳифада эса Қарши магистрали каналидан репортаж берилди.

Бундай эшиттириш ва кўрсатувлар мунтазам бериб борилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«СУСТКАШЛИК»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 16 август сонида босилган «Сусткашлик» сарлавҳали мақолада Пастдарғом районидаги «Правда», «Ленинизм», «Память Ленина», Киров номли, Карл Маркс номли, Ленин номли колхозларда Ильич номли ва «Улус» совхозларида оммавий-сиёсий ишлар бир мунча сусайтириб юборилганлиги, мазкур хўжалик партия ташкилотларининг секретарлари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш масаласига етарли эътибор бермаётганлиги танқид қилинган эди.

Пастдарғом район партия комитетининг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Текшириш натижаси район партия комитетининг кенгайтирилган бюро йиғилишида колхоз, совхоз партия ташкилотлари секретарлари иштирокида муҳокама қилинган.

Барча хўжаликларда оммавий-сиёсий, маданий оқартув ишлари савиясини тубдан яхшилаш, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини ҳар бир кишининг чуқур тушуниб олишини таъминлаш, жойлардаги сиёсий ташкилотчи, ахборотчи, агитатор, лектор ва пропагандистлар фаолиятини тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш масаласига жалб этиш бўйича тегишли чоралар белгиланган.

Шунингдек, райком бюроси меҳнаткашлар ўртасида июль Пленуми материалларини пропаганда қилишни яхши йўлга қўймаганлиги, дала шийпонлари, клублар кутубхоналарда олиб борилаётган ишларнинг савияси пастлиги учун Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Жумабоевга шахсий дафтарчасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан. «Память Ленина» колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Эшбўриевга ҳайфсан эълон қилинган. Ленин номли, Киров номли, «Ленинизм», «Правда» колхозлари ва Ильич номли совхоз партия ташкилотлари секретарлари қаттиқ огоҳлантирилган. Уларга кўрсатилган камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш топширилган.

Район «Билим» жамияти ишидаги камчиликлар алоҳида қайд қилиниб, лекция пропагандасини кучайтириш тадбирлари белгиланган.

Район партия комитети газета материалида кўрсатиб ўтилган камчиликларни дарҳол тугатиш, барча хўжаликларда оммавий-сиёсий ва маданий оқартув ишларини янада кучайтириш бўйича қабул қилинган бюро қарорларини барча бригада (цех) партия ташкилотларида ишлаб чиқишни колхоз-совхоз партқомлари зиммасига юклади.

Райком бюро қарорларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, жойлардаги партия ташкилотларига оммавий-сиёсий ишларда доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимига юклатилган.

Дўстлик ва гўзаллик мужассам республикамиз пойтахти — Тошкент кун сайин чирой очмоқда. Азамат бинокорларимиз азми билан бу ерда янги-янги уй-жой кварталлари, маҳаллалари, шаҳарчалари пайдо бўлаётир. Суратда: Чилонзор массивидаги 23-квартал акс эттирилган.
А. Тўраев фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАР УЙИ

Тошкент шаҳрининг Шайхантоҳур даҳасида ижодий союзлар уйи биноси қад кўтарадиган бўлди. Бинони Москва ва Тошкент мутахассислари ҳамкорликда лойиҳалашмоқда. Ижодий союзлар уйи биносида ҳар бир союз учун томоша зали, шунингдек, суҳбат, лекция ва турли машғулотлар ўтказиладиган юз ўринли яна бир зал бўлади.

Бино марказида умумий залдан ташқари ресторан, ошхона, кутубхона ҳам тикланади. Саҳна жойлашган қисм трапеция шаклида ишланган. Катта залнинг ён деворлари улкан трапецияга суяниб тургандек кўринади. Лойиҳада маъмурий хоналар ва республикамизда биринчи марта ташкил этилаётган Ўзбекистон театри зали ҳам кўзда тутилган.

Р. ДАВРОНОВ,
лойиҳачи.

ТАРАДДУД

Фарғона областидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводи коллективи янги ҳосилни қабул қилиб олишга пухта тайёрлик кўрмоқда. Барча асбоб-ускуналар тахт қилиб қўйилди. 90 та пахта қуритиладиган майдонча, 20 та транспортёр, 2 тарози барвақт ремонтдан чиқарилди.

Б. МАҲМУДОВ.

«КОМСОМОЛОБОД» ЧИРОЙИ

«Комсомолобод» — Наманган область Янгиқўрғон районидаги чиройи очилиб бораётган колхозлардан бири. У ерда кетма-кет ҳовли тўйлари ўтказилмоқда. 1200 точкали радиоузел фойдаланишга топширилди. 700 хонадонга водопровод колонкалари ўрнатилди. 47-ўрта мактаб учун 600 ўқувчига мўлжалланган қўшқаватли бино қуриб берилди. 20 километрли колхоз ички йўли ремонт қилинмоқда ва асфальтланмоқда.

Қ. МАЛИКОВ.

ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ

Республикамиз пойтахт областининг Оржоникидзе районидаги матлубот жамияти аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи барча магазинлар шу йилдан бошлаб тўла равишда ўз-ўзига хизмат қилиш усулида ишлашга кўчирилди. Байтқўрғонда некасалар чойхонаси ишга тушди. Салор қишлоқ Совети марказида кафе, пойафзал магазинлари фойдаланишга топширилди.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ.

КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ШАҲАР

Шаҳарлар тозалиги, озодалиги ва ободлиги бўйича иккинчи квартал социалистик мусобақаси якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 3 минг сўм пул мукофоти ободончилик ва шаҳар санитария ҳолатини яхшилашда ибратли ишлар қилинган Тошкент шаҳар ижроия комитетига берилди. Бундай байроқни ва 1500 сўм пул мукофотини шаҳардаги Ленин район ижроия комитети ҳам олишга муваффақ бўлди. Қарши, Андижон шаҳарларида, Тошкентдаги Киров, Фрунзе районларида ободончилик ва санитария ишлари яхшилангайлиги кўрсатиб ўтилди.

М. СУЛТОНОВ.

* * *

Редакция сурхондарёлик Р. Тилаков, М. Турдиев, М. Бобомуродов, москвалик С. Костирко, самарқандлик Р. Худойбердиев, А. Рўзиев, хоразмлик Р. Пўлатов, О. Рўзиматов, сирдарёлик Э Рўзибоев, қашқадарёлик Ж. Нормуродов ўртоқлардан ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар олди.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

АРАБ БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ АССАМБЛЕЯСИ ЁПИЛДИ

АДДИС-АБЕБА, 4 сентябрь (ТАСС махсус мухбири). Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлар бошлиқлари еттинчи ассамблеяси Эфиопия пойтахтида ўз ишини тамомлади. Ассамблея қатнашчилари мустамлакачиликни тугатиш, апартеидга ва ирқий камситишга қарши кураш проблемаларини, Африка мамлакатлариаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш масалаларини батафсил муҳокама қилишди.

Африкадаги мустақил давлатларнинг раҳбарлари мустамлакачилик урушини олиб бораётган Португалия режимини қўллаб-қувватлаётган АҚШ, Англия ва бошқа ғарб мамлакатларининг сиёсатини қаттиқ қораладилар. Улар ғарб мамлакатларининг Жанубий Африка ирқчиларига қурол-яроғ етказиб бераётганлиги, Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий қувватини кучайтираётганлиги Африкада ва бутун дунёда тинчликка ва хавфсизликка бевосита таҳдид солаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Африканинг давлат арбоблари қитъадаги миллий озодлик ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга ўз мамлакатлари маҳкам бел боғлаганлигини яна бир марта таъкидладилар.

Ассамблея араб давлатлари территорияларининг бир қисми ҳануз оккупация қилиниб турганлигига ялпи тинчлик учун таҳдид, деб баҳо берди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ Исроилнинг барча қўшинларини оккупация қилинган территориялардан ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб қилди.

Африка мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши Африка мамлакатларининг бирлигини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилаш шиори остида ўтди ва халқаро сиёсий ҳаётдаги катта воқеа бўлди. Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг навбатдаги кенгашини келгуси йил июнь ойида Уганда пойтахти Кампалада ўтказилади.

Дўстликнинг қудратли оқими

ПРАГА. Жаҳонда энг катта халқаро «Дўстлик» нефть қувурининг тақсимлаш станциясидаги автомат счетчиклар бу ёқилғи магистрали ишга туширилган кундан бери Совет Иттифоқидан Чехословакияга юборилаётган нефтнинг 50 миллионинчи тоннаси шу қувурдан оқиб ўтганлигини қайд қилди.

Чехословакиянинг мана шу жуда муҳим хом ашё ва ёқилғига бўлган эҳтиёжи совет нефти билан қопланмоқда. Волга бўйидаги конлардан қазиб олиниб, «Дўстлик» нефть қувури орқали Чехословакия Социалистик Республикасига юбориб турилган мана шу нефть негизида ҳозирги Чехословакиянинг қудратли нефть химияси саноати барпо қилинди. «Словнафт — Братислава» комбинати ва Залужийдаги Чехословакия — Совет дўстлиги номли нефтни қайта ишлаш комбинати совет нефтини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Мана шу энг катта корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар орасида машина мойидан тортиб синтетик толагача юз хилдан кўпроқ номдаги маҳсулотлар бор.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

Болгария пойтахтининг қишлоқ хўжалиги минтақаси

СОФИЯ. София теварагида қишлоқ хўжалик минтақаси вужудга келтирилмоқда. Болгария пойтахти шаҳар атрофидаги хўжаликларидан ҳар йил 40 миллион литр сут, 120 минг тонна сабзавот ва кўп миқдорда дон, гўшт, мевалар олади. София яқинида 220 та теплица қурилган, мамлакатдаги энг катта паррандачилик комбинати ишлаб турибди. Ҳозир шаҳар атрофи хўжаликлари қайта ташкил этилмоқда. Бу хўжаликлардан 7 комплекс тузилади. Бу комплексларнинг асосий тармоқлари чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликдан иборат бўлади.

Косоводаги қурилиш

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив Республикасида Косово автоном ўлкаси территориясида катта гидромелиорация ва энергетика системаси қуриш лойиҳаси тузилмоқда. Бу қурилиш Югославиядаги мана шундай қурилишларнинг энг каттаси бўлади. Мана шу система таркибида қуриладиган иккита гидроэлектростанция ишга туширилишининг биринчи босқичидаёқ юз миллион киловатт-соатга яқин электр энергия беради, деб мўлжалланмоқда.

Ибар ва Лепенац дарёларида катта тўғонлар қурилганидан кейин бу районда катта сув омбори вужудга келади. 70 минг гектардан кўпроқ ер сув билан таъминланади.

Косовода гидромелиорация ва энергетика системасининг қурилиши автоном ўлка экономикасини ривожлантиришга, миллий даромаднинг ўсишига, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради.

Об-ҳаво разведкачилари

ВАРШАВА. Польша Халқ Республикаси давлат метеорология институтининг буюртмасига биноан поляк авиаконструкторлари «Метеор-3» ракетасини яратдилар.

Об-ҳавонинг қандайлигини билиб турадиган бу икки босқичли янги ракетадан атмосферанинг юқори қатламларида шамол қай томонга эсаётганлиги ва унинг кучи тўғрисида, циклонлар ва антициклонларнинг пайдо бўлиши тўғрисида маълумотлар тўплаш учун фойдаланилади.

«Метеор-3»ни яратган Варшава авиация институтининг ходимлари бу ракеталарни учириб синашга киришдилар.

(ТАСС).

ИОРДАНИЯДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

ҚОҲИРА, 3 сентябрь, (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси Иорданияда Фаластин ташкилотлари билан Иордания маъмурлари ўртасида юз берган тангликни қараб чиқмоқ ва аҳволни нормаллаштириш мақсадида зарур чоралар кўриш учун араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг фавқулодда сессиясини чақириш тўғрисида Фаластин «Миллий озодлик» ташкилоти қўйган талабни қўллаб-қувватлайди.

«Ал-Аҳром» газетасининг хабар беришича, БАР ташқи ишлар министрлиги БАР Аммондаги ҳозирги тангликни кўриб чиқишга ҳамда Иордания маъмурлари билан Фаластин қаршилик ташкилоти ўртасида тўқнашувлар чиқишининг олдини олишга қаратилган ана шу қадамни маъқуллашини иттифоқ секретариатига маълум қилди.

«Ал-Аҳром» Аммондаги аҳвол хусусида тўхталиб, Иордания пойтахтидаги аҳвол кескинлигича қолаётганлигини, давлат муассасалари, магазинлар, мактаблар ёпиб қўйилганлигини ёзади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

БЕРЛИН, 3 сентябрь, (ТАСС). ГДР билан ЧССР ўртасидаги товар обороти 1971—1975 йилларда 21 миллиард валюта маркасини ташкил қилади. Ҳолбуки 1966—1970 йилларда товар обороти ҳажми 14 миллиард маркага тенг эди. ГДР билан ЧССР ўртасида 1971—1975 йилларга мўлжалланган перспектив планларни координациялаш тўғрисида Лейпцигда имзоланган протоколда шу ҳақда гапирилади.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ЮГОСЛАВИЯ САНЪАТКОРЛАРИ САҲНАМИЗДА

Шу кунларда пойтахтимиздаги Свердлов номли концерт зали яна музика ва қўшиқ шинавандалари билан гавжум. Бу ерда Югославия эстрадасининг кўзга кўринган санъаткорлари гастроль концертлари бермоқда. Концерт истеъдодли санъаткор Саша Радойчич раҳбарлигидаги оркестрнинг жўшқин ва кўтаринки музика номерлари билан бошланади. Меҳмон — санъаткорларимиз ўзларининг энг яхши музика ва қўшиқлари билан томошабинлар кўнглини хушнуд этишади.

Тошкент томошабинлари ўзининг жарангли овози билан машҳур бўлган талантли қўшиқчи Крста Петрович, Азра Халилович, Снежана Патчева, Боян Кодричларни қизғин қарсаклар билан қарши оладилар. Бу истеъдодли хонандалар репертуарида ўз юртининг тароналари ҳамда чет эл композиторларининг асарлари кенг ўрин эгаллаган. Бу хонандалар Югославиядан ташқари Франция, Англия, Австрия, ГФР, Швейцария ҳамда Совет Иттифоқида ҳам маълум ва машҳурдирлар.

Тошкентлик эстрада санъати мухлислари айниқса «Хоним Мадонна», «Ноно», «Менинг ёрим» каби жозибали қўшиқларни мароқ билан тингладилар.

Югославия эстрада ансамбли ташкил топганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан у жуда кўп мамлакатларда гастролда бўлди, кўп халқларнинг қалбидан чуқур ўрин эгаллади. Ансамбль Совет Иттифоқи бўйлаб гастролга чиқиб, шу кунларда Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Пойтахтимизда ўз гастролларини тугатгандан сўнг ансамбль Олмаота, Новосибирск, Кемерово, Кишинев ва Москвага сафар қилади.

Суратларда: югославиялик санъаткорларнинг чиқишлари.

Л. Глауберзон ва А. Авазов фотолари.

Халқаро фельетон

ЎРГИМЧАКЛАР

Сайгон ахборот министри Нгок Кхак Тинь бошини Америка элчихонаси эшигидан ичкари суқди:

— Ижозат этинг, мистер Банкер? Мен ёрдам тўғрисидаги битимни имзолашга келдим...

— Марҳамат, — деди элчи дарҳол, лекин кирган кишининг юзига қаради-да, бўшашиб, қўшиб қўйди: — Сиз имзолайсизми?

— Ҳа. Мени сизнинг имзонгиз ёнига имзо чекиш бахтига муяссар қилишди.

— Шундай денг? Жуда соз... — минғиллади Банкер, нафратини яширмай. Кейин ўйлади: «Обббо ғаламислар-эй! Бош министрни юборишмабди-да. Албатта, имзоланиши керак бўлган битим асосий битим эмас, қўшимча, холос. Ҳарбий ёрдам эмас, балки озиқ-овқат ёрдами тўғрисидаги битим. Юз миллиардлаб доллар тўғрисида эмас, бор йўғи 6 миллион 700 минг тўғрисидаги битим, холос. Бироқ, бу олти цент ҳам эмас-ку. Бош министрнинг ўзи келса ҳам бўларди...».

Америка элчиси ўзини камситилган деб ҳис қилди. Тинь буни сезиб гапни улаб кетди.

— Менинг министрим, — деди у, — сиздан кечирим сўрашимни илтимос қилди. У ўзини ёмон ҳис қилаётгани сабабли бу ерга келолмади. Министр қаттиқ йўталяпти.

— Афсус, афсус, — деди киноясини яширмай элчи. — Бу йўтални у қаерда илаштириб олибди?

— Парламентда.

— Парламентда?

Банкер уни аҳмоқ қилишмоқчи бўлишаётганига тўла ишонди.

— Нима бало, шамоллаб қоптими?

— Йўқ, у газ билан заҳарланибди.

Бу жавоб дард устига чипқондай бўлди. Шунчалик ҳам ҳаддидан ошишадими. Тавба, кимчи лақиллатмоқчи бўлишяпти, денг, Америка элчисини-я? Яна ёрдам тўғрисидаги битимни имзолаш олдидан-а?! Элчи бутун дипломатик ресурсларини ишга солди ва бўғилиб деди:

— Ундай бўлса, балки имзолашни кейинга қолдирармиз?..

— Худо ҳақи, кейинга қолдира кўрманг, — ялинди министр, — мен сизга рост гапни айтяпман. Мен ҳозир ҳаммасини тушунтираман. Бизнинг ҳукуматимиз президент Тхиеуга мамлакатнинг иқтисодий проблемаларини ҳал қилиш учун беш ойлик муддатга фавқулодда ваколат бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини парламент муҳокамасига қўйган эди. Мунозаралар бошланди. Мустақиллар қарши гапиришди. Оппозициячи депутат Тху хоним биринчи кунданоқ вакиллар палатасининг раиси Нгуен Ба Лионга қарата палағда тухумларни ирғита бошлади. Нгуен қонун лойиҳасини овозга қўймоқчи бўлганда эса чинакам жанг бошланиб кетди. Бизни қўлловчи депутат Ле Там Хоа мустақил депутат Нгуен Дан Бангнинг қорнига бир мушт туширди...

— Ахир бу тақиқланган ҳужум-ку! — хитоб қилди Банкер.

— Албатта тақиқланган, — тасдиқлади министр. — Шунинг учун ҳам Банг бунга жавобан унинг жағига тушириб қолди. Балки шу билан муштлашиш тинчиб қўя қоларди. Лекин, раис Нгуен бирдан: «Йигитлар, бизникиларни уришяпти» деб қолса бўладими. Депутат Нгуен Хиу Тюнь раис минбарига сакраб чиқди-да, уни ўша ердан пастга улоқтириб юборди. Қоғоз ва микрофонлар ҳар тарафга чирпирак бўлиб кетди. Муштлашиш яна авжига минди. Ҳайқириқ, чинқириқ, сўкишлар...

— Шундай қилиб, ким енгиб чиқди? — анча қизишган элчи министрнинг гапини бўлди.

— Полиция, — жавоб берди министр. — Кўздан ёш оқизадиган газ ёрдамида. Бутун зални газ билан тўлдириб юборишди. Бўлмаса, уларни ажратиб бўлмасди. Қонун лойиҳасини эса қайта ишлаб чиқиш учун молия-иқтисод комиссиясига юборишди.

— Бош министрнинг йўтали шундан экан-да! — қаҳ-қаҳа урди Банкер. — Тушунарли. Унга менинг ҳамдардлигимни билдиринг. Энди бўлса, келинглар, битимни имзолаймиз. Жон! Таклиф этилганларни чақиринг! Вискидан ҳам кўпроқ олиб киринг, сизнинг соғлиғингиз учун, жаноблар! Бош министрнинг тезроқ соғайиши учун!

Шундай деб элчи Банкер ўз имзосини зўр қониқиш билан битим остига чекди. Бир неча кундан кейин эса Сайгон «парламенти» Тхиеуга берилган фавқулодда ваколатлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Н. ШИММЕЛЬ,
(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 10.55 — Программа. **Ўзбек тилида:** 11.00 — «ХУШ ВАҚТ БЎЛИНГ», 11.40 — **«Браслет-2»** (бадиий фильм). **МОСКВА.** 13.00 — Программа, 13.05 — Гимнастика, 13.30 — Янгиликлар, 13.45 — «Здоровье», 14.15 — **«Аладдиннинг сеҳрли лампаси»**. (бадиий фильм). **ТОШКЕНТ.** 16.55 Программа, 17.00 — «АХБОРОТ». **Ўзбек тилида:** 17.10 — Қўғирчоқ театри, 17.40 — Мультфильм. 17.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади, 18.45 — Илмий-оммабоп фильм, 18.55 — «АХБОРОТ». 19.10 — Лирик концерт, 20.00 — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА. 15.40 — Молдавия халқ куйларидан концерт, 16.10 — Ҳужжатли фильмлар, 17.05 — **«Дон Кихот»** (бадиий фильм). 18.40 — Цирк чироқлари. **ТОШКЕНТ.** 20.00 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — «ПРОПАГАНДИСТ», 21.00 — Концерт, 21.40 — **«Давлат жиноятчиси»**. (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА. 18.00 — «Янги мактаб» (репортаж), 19.00 — Янгиликлар, 19.15 — **«Баджаҳл»** (бадиий фильм). 21.10 — Июль Пленуми қарорлари — ҳаётга. **Тожик тилида:** 21.30 — Концерт, 22.10 — Янгиликлар, 22.25 — **«Гўр ўғли»** достонидан парчалар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/IX да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/IX да **Шоҳ Эдип.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет Иттифоқи ва Болгария цирки усталарининг томошалари. ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ. Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР БОРИСОВ.** (Томошалар кеч соат 8 да бошланади. Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томошалар кўрсатилади).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Муҳаббат мавсуми — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 9 да).

Европалик келин — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3, 5 ярим ва кеч 7 яримда).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Кўчма қумлар — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.40 минутда ва 10 да бошланади).

Муҳаббат мавсуми — «ФЕСТИВАЛЬ».

Европалик келин — ТЕЛЬМАН номли.

«ТАШГИПРОГОР» ИНСТИТУТИГА

катта архитекторлар, архитекторлар, инженер ва техниклар, конструкторлар, инженерлар: теплотехника ва ҳавони кондициялаш, водопровод ва канализация бўйича, газчилар, совутувчилар; смета группалари раҳбарлари, сметачилар, вертикаль планлаштириш бўйича мутахассислар, картограф-чизмачилар, чизмачилар, ҳар хил касбларга ўқитиш учун ўрта маълумотлилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетарский кўчаси, 14-уй, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 33-65-45. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337233. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 331780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—973. Термиз — 23—27. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

№ Г. — 207. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02773.